

«ОРЗИГУЛ» ДОСТОНИДА ДОИМИЙ ЭПИТЕТЛАР

Чиниқулов Отабек

(СамДУ ўзбек филологияси
факультети 2-курс магистри)

Ушбу мақолада халқ оғзаки ижодининг юксак намуналаридан бири саналадиган «Орзигул» достонининг Ислом шоир Назар ўғли куйлаган варианты матни асосида доимий эпитетлар ҳақида мулоҳазалар баён қилинган ва бунда Н.Хаджимусаева томонидан тайёрланган ва чоп этилган уч қисмдан иборат ««Орзигул» достони тилининг луғати»дан фойдаланилган.

Халқ достонлари матни халқимизнинг минталитетини, рухий оламини, орзу истакларини ўзида мужассам қилган тасвирий воситаларга бойлиги билан бошқа бадиий адабиётнинг бошқа турларидан ажралиб туради. Ана шу ўзига хосликни кўрсатувчи тасвирий воситалардан бири *бадиий аниқловчи* деб номланган *эпитетлар*дир. Улар орасида доимийлик ва нутққа безак бериш хусусиятига эга бўлган *доимий эпитетлар* деб номланувчи тури эпик асарлар матнида алоҳида ўрин тутаяди.¹

Ушбу мақолада халқ оғзаки ижодининг юксак намуналаридан бири саналадиган «Орзигул» достонининг Ислом шоир Назар ўғли куйлаган варианты матни асосида доимий эпитетлар ҳақида мулоҳазаларимизни баён қиламиз ва бунда Н.Хаджимусаева томонидан тайёрланган ва чоп этилган уч қисмдан иборат ««Орзигул» достони тилининг луғати»дан фойдаланамиз.²

Эпитетлар тизимида *доимий эпитет* ва *безак эпитет* деб номланадиган тасвирий воситаларнинг ўзбек достончилиги услуби учун хос саналиши фольклоршуносликнинг акад.В.М.Жирмунский сингари йирик вакиллари томонидан таъкидлаган. Жумладан, у қуйидагиларни ёзган эди: «Бу поэтик образлар негизида, маълум маънода, маиший омиллар ҳамда шоҳона дабдаба ва ҳашамлар ётади. Эпосда ҳам худди эртақларда бўлгани каби улар поэтик умумлаштирувга юз тутаяди ва қахрамонлик идеали мулки сифатида анъанавийлик касб этади».³ Ўзбек достончилиги анъанасида бу бадиий тавсифномалар мақомини олган *алп*, *баҳодир*, *ботир*, *пахлавон*, *полвон*, *аждаҳо/аждар*, *арслон*, *бўз қарчигай*, *бўта*, *йигит*, *йўлбарс*, *лочин*, *норкалла*, *сиртлон*, *шер*, *шунқор*, *эр*, *қайсар*, *қахрамон*, *қоплон* сингари махсус сўз ва иборалар бор.

«Орзигул» достонида ҳам бу эпитетларнинг аксариятига дуч келамиз. Буни Ислом шоир идеалидаги Орзигул ва Сувонхон образлари мисолида яққол кўриш мумкин.

¹ Бу ҳақда яна кенгрок маълумот олиш учун қаранг: **Каримов С.** Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1994, 22-бет.

² **Хаджимусаева Н.** «Орзигул» достони тилининг луғати. – Тошкент: «Fan va texnologiya», 2012, 10-бет.

³ **Жирмунский В., Зарифов Х.Т.** Узбекский народный героический эпос. – М.: ГИХЛ. 1947, с. 377.

Орзигул ва *Сувонхон* антропонимлари бош образларнинг исми сифатида «Орзигул» достони матнида 339 ва 391 марта қўлланилган бўлса, шоир камдан-кам ҳоллардагина уларга шунчаки ном сифатида мурожаат қилади. Аксарият ҳолларда уларга бўлган илиқ муносабат, субъектив баҳо эпитетлар қўлланиши мисолида мана мен деб кўриниб туради.

Бу эпитетларнинг ёрқин намунаси сифатида *олтин, тилла, зар* сўзларига мурожаат қиламиз.

«Орзигул» матнида *олтин* сўзига эпитет сифатида 4 марта мурожаат қилинган: *Сўйла, дўстим, - деб қўлига бир олтин косада май берди (289); Совиб қувугин тортиди, Сувон кийган ёқаси олтин совутди (314)*. Аслида *олтин коса, олтин совут* эпитетли бирикмалари дostonлар тилида кўп учрайди. Масалан, «Алпомиш»да: «*Бугун бунда турармиз, эртан тонг отган сўнг Қалмоқшоҳнинг устига борармиз*», — *деб ўтириш-суҳбат бошлаб, олтин косаларни қизлар қўлига ушлаб, алиёр тортиб, бекларга коса узатиб, қизларнинг айтаётган сўзи (221), Оқ кировка, олтин совут кияман, Бор кўчимни билагима жияман (208)*. Аммо Ислом шоир қўллаган *олтин сачоқ* бирикмаси Фозил Йўлдош ўғли айтган «Алпомиш»да учрамайди. «Орзигул»да: *Мардга ярашмас уйда турмоқлик, Қирагай найзали олтин сачақлик (321)*. Мисрадаги аскар найзасининг учини безаш учун ишлатилган материални бахши *сачақ/сачоқ* деб номлаган, аслида у тилимиздаги *пўпак/попук* маъносини беради: «ПЎПАК.шв.айн. **попук**. 1.Нарсаларга безак учун тақиладиган бир боғлам тола, пат, ип ва ш.к. *Дўппи попуги*».⁴ Айнан найза учун қўлланган *олтин сачоқ* нинг бошқа дostonларда учрамаслиги унинг Ислом шоир ижоди учун индивидуаллигидан далолат беради. Бошқа бир ўринда *тилла сачоқ* қа параллел тарзда *тилла пўпак* қўлланган: *Орзигул кўшкнинг зинасига қадам ташлаб, шоҳи-шалтарни кийиб, тилла пўпаклар товонига тегиб, Сувонга қараб қовогини уйиб, кўшикка кириб кетди (304)*.

Ислом шоир *пўпак* сўзига безак учун хизмат қилувчи восита сифатида алоҳида эътибор беради ва унинг қўлланиш кўламини кенгайтиради – севикли ёрга ва, ҳатто, туяга нисбатан ҳам қўллайди: *Мен биламан кўнглиндаги борингни, Пўпакли ёр дейсан севган ёрингни (318)*. Чўлда юрган улуг ёшли бобожон, *Шу майдондан пўпакли нор ўтдимми? (318)* каби.

Аммо мана бу матндаги *олтин* ва *кумуш* сўзларининг бирлашган ҳолда келиши улардан эпитетлик вазифасини соқит қилган ва *умуман қимматбаҳо тақинчоқлар* маъносида умумлаштирувчилик аҳамиятини касб этган. *Кумуш* сўзи дostonда фақат бир марта қўлланган: *Дўстлар қилди бир тарафга юришди, От гарданга тақиб олтин-кумушди (298)*.

Дoston матнида *тилла* поэтик аниқловчи сифатида *олтин* га караганда фаол қўлланган. Учун 13 марта учрайди:

-тилла ҳайкал, тилла жига: Бир кун Орзигул богда, гуллар орасида сочини ўриб, экилган ниҳол гулларни кўриб, якка-якка оёгини босиб, мушку анбар - ипор сочиб, тилла ҳайкалларни осиб, гул юзига улар муносиб, богнинг ичида юрган вақтида Қорахон подшо салтанатли беклар билан

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, учинчи жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007, 295, 328-бетлар.

тилла жигаси бошида, жонкуяр беклар қошида, подшолик юзи хотири билан, соя пардали чотири билан, неча найзадаст ботири билан, жиловдор шотири билан боғнинг устидан келиб қолди (270).

-тилла минбар: *Орзигулнинг кўзига тилла минбар* кўринди (286). -
тилла гишт: *Тилла гиштан* бўлган баланд супаси, *Ўтиринг, Орзигул,*
булар сизники (287).

-тилла товоқ: *Ўн тўққиз хил таом тайёр бўлиб, ҳар бири биттадан тилла товоққа* солинган (287).

-тилла эгар: *Бекнинг оти, кел юганга! Тилла эгарни* солайик, *Ҳам сени кўрсин халойиқ* (294). *Солсам ярашсин тилла эгар, Минади Сувон аждаҳор* (296). *Тилла эгар* ярашади тулпарга, *Якка бўлиб, тенг келмайсиз* уларга (321).

-тилла узанги: *Сувонхон дўстларининг димоғи чоғлигини кўриб, оёгини тилла узангига* тираб, *отасига қараб, оқ фотиҳа тилаб, бир сўз деди* (297). *Узанги асл тилладан, Кечаси бўлганда, Ойдай қилиб ярқиллатди* (336).

-тилла қилич: *Белга осиб тилла дастгир* қиличди, *Мард йигитлар ҳам ўйнашиб-кулишди* (298).

-тилла камар: *Қаердадир ўйнаб-ўсган шаҳаринг, Белинга бойлабсан тилла камаринг* (302). *Сувонхон тилла камарини* бойлаб, *ипак кўйлак эғнида, Дилмуродни ўйнатмоқда экан* (366).

-тилла камарли беклар: *Сувонхон ёронлари билан ўтирган эди. Тилла камарли бекларга* кўзи тушиди. *Ёронлари келган бекларнинг отини бойлади* (341). Бундай қўлланишнинг сабаблари бор, албатта. Биринчидан, *тилла* эпик матнда *камар* нинг доимий эпитетларидан бири. Иккинчидан, нега у *бек* сўзига нисбатан қўлланилмоқда? Шусиз ҳам беклик мартаба, лекин у матнда *ғурурга, виқорга, бадавлатликка, айниқса, ҳукмдорликка* ишора бўлса керак.

-тилла эшик: *Орзигул ўрнидан туриб, тилла эшикка* юриб, *ўнг ва сўлига қараса, сонсиз лаишкарлар Қушқанотни ўраб олибди* (319).

Жангчининг қуроли қалқон тилладан ясалмаган. Аммо Ислом шоир *тилла қалқон* эпитетли бирикмасини қўллайди: *Отлар жўнади ариллаб, Тилла қалқонлар шариллаб* (298). Бу каби қўлланиш «Алпомиш»да учрамайди. «Орзигул»да дорга нисбатан ҳам *тилла* сўзи ишлатилган: *Қиёмат кун бу бошингга солади, Бошинг кесиб, тилла дорга* илади (273). *Ўгил тугсанг, сени иззат қиламан, Қиз тугсанг, тилла дорга* иламан! (276). *У подшо, мен фуқаро, Орзигул, Бошим кесиб, тилла дорга* илади (280). - *тилла дор* (375). «Алпомиш»да бу жумланинг ҳам учрамаслиги унинг Ислом шоир матни учун индивидуаллигидан далолат. Хўш, агар қалқон ёки дорнинг материали тилладан бўлиши нотабийлик бўлса, бадий ифодалиликка ҳам тўғри келмаса, унда бу каби қўллаш қандай баҳоланиши керак? Ҳар қалай бу каби ҳолатларда ҳам Ислом шоир ифодада анъанавийликка содиқ қолган, салтанат соҳибларининг бадавлатлигига ишора қилган: *Саримирохўр Мирохўрни тутинлар, жаллодлар, Сўйиб осинлар тилла доримга* (308). *Бошқа элга кетганини айтмасанг, Тилла дорга* осиласан, *ўласан* (316).

Зар сўзи 5 марта марта қўлланган. Фақат бир ҳолатда эпитет: *Заррин қалпоқ* хўб ярашар бошига, *Қиммат баҳо мунчоқлари тўшига* (275). Бошқа

бир ҳолатда метафора: *Отаси: - Қатордаги норим, хазинадаги зарим, сунган боғу бўстони сеники бўлсин Оқтош шаҳрим, - деб ўглини мактабга берди (288). Ишим йўқдир давлат билан, зар билан Бу дунёда бир армоним шу эди, Ўйнасам дер эдим сендай ёр билан (301). Паноҳ тилаб энди келдим сизларга, Отим Оллоёрдир, органим зарди (339). Қирқхачирга ортиб келиб зарини, Билдингизми, Оллоёрдай ҳийлагар Ишлатибди фирибининг барини (371).*

Достон матнида бу сўзларга синоним бўлган *нуқра* элементи учрайди. Аммо у эпитет вазифасида қўлланмаган: *Мен газначига амр қилай, бориб кўтарганингча нуқра, тилладан олиб келгин (310).*

Халқ оғзаки поэтик ижоди намуналарида сочга нисбатан қўлланиладиган *сумбул* доимий эпитетига эътибор қаратамиз.

Сумбул/сунбул сўзи пиёзгуллилар оиласига мансуб, лола баргига ўхшаш узун баргли ўтсимон манзарали ўсимлик ва унинг ғуж бўлиб очиладиган хушбўй, чиройли гули.⁵ Бадиий адабиётда, асосан халқ оғзаки ижоди намуналарида доимий эпитетли бирикма таркибида қўлланади. Ҳайратланарлиси шундаки, «Алпомиш»да, «Балогардан»да, «Баҳром ва Гуландом»да, «Зевархон»да қўлланмаган. Ислом шоир эса самарали қўллаган: *Ойна олиб, сунбул сочим тарайман, Йиғлаганинг, икки раҳбар, сўрайман (275). Сувон қараса ҳовузнинг бўйида бир ниқобли дилбар қиблага қараб, сунбул сочини тараб, учар қушлардан сўраб, Сувонхонни кўнглига олиб, яккалик ўтиб, сувни ўйнаб ўтирибди (301). Орзигул ойим ўрнидан туриб, сумбул сочини атрофга ташлаб, тушми-ўнгми деб, кулги бошлаб, ташқари сарига қадам ташлаб чиқди (289). Энди давлат Сувонхонга қаради, Хотин-қизлар сумбул сочин таради (312). Қушқанотни сиз сўроқлаб борсангиз, Кўзингиз тушар шундай сочи сумбулга (318). Боғларда сайраган тўти-булбулди, Бу кўнгил истайди сочи сумбулди (297).* Бу ўринда ҳам *сумбул соч* мисолида Ислом шоир маҳоратини кузатамиз.

Доимий эпитетларнинг қўлланишида анъанавийлик билан биргаликда Ислом шоирда алоҳида услуб ҳам кўзга ташланади – у эпитетли бирикмаларни уюшган ҳолда қўллайди: *Улар тепа устига чиқиб қарасалар, ҳақиқатан, саратон юлдузли, ўткир кўзли, йўлбарс билакли, шер юракли, бошида яллуғи ярақлаб Сувонхон кўринди (309).* Бундай қўлланишнинг эса достон поэтикасида аҳамияти ғоят каттадир. Биринчи томондан, бирикмаларни бундай қўллаш орқали асар қаҳрамонларидаги хислатлар, белги хусусиятларга алоҳида урғу берилади. Иккинчидан, ундаги ана шу жиҳатларга тингловчининг ёки ўқувчининг эътибори қаратилади. Учинчидан, достон айтиш жараёнида муайян ритм, мусиқийлик ҳосил қилинади. Буларнинг барчаси воқеликнинг тингловчи ёки ўқувчи онгида муҳрланишига, муайян эстетик завқ олишига кўмаклашади.

Халқ оғзаки ижоди намуналарида доимийлик касб этган эпитетли бирикмаларнинг объекти – аниқланмиши сон жиҳатдан кўп эмас. Уларнинг

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, учинчи жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007, 597-бет.

аксарияти инсоннинг хатти-ҳаракати, ташқи қиёфаси, баъзан эса иш ёки жанг куруллари, отнинг асбоб-анжомлари билан боғлиқ бўлади.

Доимий эпитетлар инсонлар, воқелик ёки нарса-ҳодисаларнинг таърифига тавсифи жараёнида ёки шу эҳтиёж боис юзага келар экан, уларда асосий диққат ижобий хислат ва ҳодисаларга қаратилади. Масалан, асар қахрамони таърифланганда *санобар қомат*, *қизил юз*, *қўш кокилли ўғил*, *нарғиз/нарғис кўз*, *ўткир кўзли*, *қаторда толпинган нор* сингари эпитетли бирикмалар қўлланилади: *Гул юзлигим, сарви санобар қомат, Ота-энанг сенга бердим рухсат?*(315). *Орзигул ҳам ўғлингди, ҳам қизингди, Сарғайтирар бўлди қизил юзингди* (274). *Кўкариб лолалар фасли гул бўлсин, Суйганларинг қўш кокилли ул бўлсин* (341). *Мен айланай сенинг нарғиз кўзингдан, ҳам гавҳарим, ҳам бир менинг меҳримми?* (332). *Ёш оқмасин сенинг нарғис кўзингдан, Қайга борсанг мен ҳам кетай изингдан* (362). *Улар тепа устига чиқиб қарасалар, ҳақиқатан, саратон юлдузли, ўткир кўзли, йўлбарс билакли, шер юракли, бошида яллуғи ярақлаб Сувонхон кўринди* (309). *Ғариб бўлиб қолдик ернинг остида, Қаторда толпинган норим, бормисан?* (380) каби.

Ҳатто баҳодирларнинг устидаги кийимлари ҳам ўзларига мос, муносиб. Улар таққан камар садоқли: *Белларига осган садоқ камарни, Бир тарафдан меҳмон оғиб келганди* (364). Бу ўринда камалак ўқлари жойланиб, белга боғланадиган ёки елкага осиб юриладиган асбоб, тирдон маъносини берадиган *садоқ*⁶ балки эпитетлик даражасига кўтарилмаган, экспрессив маъно англатмаётгандир. Аммо бирикма таркибида турғунлик, доимийлик касб этган ва эпик асарлар воқеалари баёнида ана шу тарзда қўлланади.

Достонлар матнида қўлланиладиган *сарғайган юз* доимий эпитети фаол қўлланилади. «Орзигул»да ҳам шундай: *Ҳамроҳларим, қулоқ сонглар сўзима, Қаҳрабодай бу сарғайган юзима* (365). Аммо ушбу сўзларни қўллашда Ислом шоирнинг ўз услуби ҳам кўзга ташланади. Уларни эркин қўллаш ана шу услубнинг мезони бўлиб хизмат қилади. Бир ўринда юз га *қизил* эпитетини бериш билан контраст – қарама-қаршилик кучайтирилади. *Қизил* сўзи *сарғаймоқ* сўзи билан зидлантирилади: *Орзигул ҳам ўғлингди, ҳам қизингди, Сарғайтирар бўлди қизил юзингди* (274). Иккинчи бир ҳолатда *қизил* сўзи ўрнини *ой* элементи эгаллайди ва, айти пайтда, *сарғаймоқ* ҳам ўхшатиш воситасида кучайтирилади: *Орзигулнинг онаси: - Болам, қизим, кўрар кўзим, сендан бошқа фарзанд кўрмадим ўзим, ўғлимнинг ўрнига олган ёлғизим, қаҳрабодай сарғайди ойдаи юзим, бу жаҳонда мен суянган фарзандим, - деб йиғлади* (281). Натижада тасвир чинакам маънода бадиий тус олади, тасвирнинг экспрессивлиги кучаяди. Бахши маҳорати шундаки, сўзлар ўртасидаги маъновий яқинлик унинг ҳамиша диққат марказида туради ва уларни осонлик билан ўзаро алмаштириб, бадиий ифоданинг янги қирраларини кашф этаверади. *Юз* бирлиги *тарз* билан алмашади, *тарз* га боғланган *қаҳрабо* ўзининг бадиий-тасвирий қимматини аввалгидек сақлаб қолаверади: *Қингир дейди, болам, менинг ўзимни, Сарғайтирма қаҳрабодай*

⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, учинчи жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007, 418-бет.

тарзимни (283). Бошқа бир ўринда юз ўрнини *ранг* элементи эгаллайди ва гап таркибида юз нинг вазифасини ундан ҳам аниқроқ тарзда адо этади: *Юзларинг ой бўлса, қошларинг ёйди, Сабаб надир, бунча рангинг саргайди?* (291). Юз ўрнида *бет* нинг қўлланиши ифодага табиийлик, жонлилик ва халқчиллик бағишлайди, айна пайтда, *бетимни-тахтимни* тарзида поэтик ифодалилик ва қофия равонлиги учун хизмат ҳам қилади: *Бу йўлингда саргайтирдинг бетимни, Қўлингга топирай давлат-тахтимни* (311).

Хуллас, Ислом шоир Назар ўғли «Орзигул» достонида қўллаган эпитетлар тизимида доимий эпитетлар алоҳида ўрин эгаллайди. Халқ эпик асарларида қўлланиши анъанавийлик касб этган эпитетли бирикмалар таркибида *олтин, зар, тилла, кумуш* сингари металллар номи фаол. Аммо таҳлиллар уларга бўлган бахшиларнинг муносабати турлича эканлиги аён бўлади. Шунингдек, *алп, баҳодир, ботир, паҳлавон, полвон, аждаҳо/аждар, арслон, бўз қарчигай, бўта, йигит, йўлбарс, лочин, норкалла, сиртлон, шер, шунқор, эр, қайсар, қаҳрамон, қоплон* сингари махсус сўз ва иборалар ҳам дostonлар поэтикасида муҳим ўрин тутди ва бахшилар ижодий услубини белгиловчи тил воситалари сифатида ҳар бир ижодкор асарида алоҳида тарзда намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. **Жирмунский В., Зарифов Х.Т.** Узбекский народный героический эпос. - М.: ГИХЛ. 1947, с. 377.
2. **Каримов С.** Бадиий услуб ва тилининг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1994.
3. **Хаджимусаева Н.** «Орзигул» достони тилининг луғати. – Тошкент: «Fan va technologya», 2012, 10-бет.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, учинчи жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007.
5. **Қўнғуров Р.** Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент. 1977.